



TOSHKENT
FARMATSEVTIKA
INSTITUTI

**MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR”
MAVZUSIDAGI III XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI
MATERIALLARI**

**МАТЕРИАЛЫ III МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ,
ПОСВЯЩЁННОЙ 85-ЛЕТИЮ
ТАШКЕНТСКОГО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОГО ИНСТИТУТА
«СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЙ
ОТРАСЛИ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ»**

**ABSTRACT BOOK OF THE 3RD INTERNATIONAL
SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE DEDICATED
TO THE 85TH ANNIVERSARY OF THE
TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE
“MODERN PHARMACEUTICS:
ACTUAL PROBLEMS AND PROSPECTS”**



TOSHKENT - 2022

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI TOSHKENT
FARMATSEVTIKA INSTITUTI**

**THE MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE**

**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**TOSHKENT FARMATSEVTIKA
INSTITUTINING 85 YILLIGIGA
BAG‘ISHLANGAN
“FARMATSEVTIKA SOHASINING BUGUNGI
HOLATI: MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR”
MAVZUSIDAGI III XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI
MATERIALLARI**

**МАТЕРИАЛЫ III МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ,
ПОСВЯЩЕННОЙ 85-ЛЕТИЮ
ТАШКЕНТСКОГО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОГО ИНСТИТУТА
«СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ:
ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ»**

**ABSTRACT BOOK OF THE 3RD INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND
PRACTICAL CONFERENCE DEDICATED TO THE 85TH ANNIVERSARY OF
THE TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE
“MODERN PHARMACEUTICS: ACTUAL PROBLEMS AND
PROSPECTS”**

**«IBN-SINO»
TOSHKENT –
2022**

«СИМВЕРИН» ТАБЛЕТКАСИ СИФАТИГА ПРЕССЛАШ БОСИМИНИНГ ТАЪСИРИ

Исмаилова М.К., Юнусова Х.М.

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси
e-mail: apteka_sadkem@mail.ru

Долзарблиги: республикамизда барча соҳалардаги ислохотлар фармация соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Бугунги кунда фармациянинг ривожланишида импорт ўрнини босувчи, биосамарадор хориждан келадиган препаратларга биоэквивалент бўлган дори препаратларини яратиш долзарб масаладир. Шунингдек, истеъмол учун қулай синергизм асосида бир неча дастлабки хом ашёларни комбинирлаб олинаётган препаратларга эҳтиёж катта. Сифатли препаратлар олишда уларнинг сифатига таъсир этувчи омилларни тадқиқотчи ўрганиб тавсиялар бериши керак бўлади. Тайёр таблеткаларнинг сифатига ҳам бир қатор омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Ушбу маълумотда биз томондан тавсия этилаётган спазмолитик таъсирга эга таблеткаларнинг сифатига таъсир этувчи пресслаш босимини танлаш борасидаги тадқиқот натижаларини келтирдик.

Тадқиқотнинг мақсади: симверин ва дроверин гидрохлорид дастлабки хом ашёлари аралашмасини технологик хоссаларини ўрганиш ишнинг мақсади қилиб белгиланди.

Усул ва услублар: тавсия этилаётган таркибда олинган таблеткалари учун пресслаш босими тадқиқот давомида 50 - 350 МПа оралиғида босимларда прессланди. Олинган таблеткаларнинг қуйидаги сифат кўрсаткичлари ўрганилди: парчаланиш кўрсаткичи, синишга ва ишқаланишга нисбатан қаттиқлиги, эрувчанлиги каби фармакотехнологик хоссалари ўрганилди.

Натижалар: барча таркибларда олинган таблетка массаларидан олинган таблеткалар 5,25 МПа гача куч билан итарилиб чиқарилди ва олинган таблеткаларнинг сифатига пресслаш босимининг тўғридан тўғри таъсири борлиги кузатилди. Таблетканинг асосий сифат кўрсаткичларидан бири унинг қаттиқлигидир. Бу кўрсаткич таблеткаларнинг кейинги сифат кўрсаткичларига боғлиқ бўлиб, таблеткаларда турғунлигини ҳам таъминлаб беради. 50-100 МПа босимда пресслаб олинган таблеткаларнинг қаттиқлиги 45 Н ташкил этди. Тадқиқотларда пресслаш босимнинг ошиши билан тайёр маҳсулотнинг қаттиқлик кўрсаткичи мос равишда 120 МПа да 90 Н этди. Шунингдек, пресслаш босимининг кўтарилиши билан таблеткаларнинг синишга нисбатан қаттиқлиги ортди ва ўз навбатида тажрибага олинган таблеткаларнинг парчаланиши кўрсаткичлари ҳам ортиб боргани кузатилди. Шундай қилиб, пресслаш босимининг ортиши билан таблетканинг сифатини белгилувчи синишга нисбатан қаттиқликнинг ортишини кўрсатди. Ўз навбатида бу кўрсаткич олинган тайёр маҳсулотнинг эришини камайтириб суслаштиради ва биофаол моддаларнинг эриши ёмонлашини ҳисобига тайёр маҳсулотнинг ва биосамарадорлигини пасайишига сабаб бўлишини кўрсатди. 50-350 МПа диапазонда прессланган таблетканинг ишқаланишга бўлган қаттиқликдаги таблетканинг ўртача оғирлигидаги четланиш 0,69 ва 0,11 % ташкил этди. 50-350 МПа босимда олинган барча таблеткалар 8 дақиқада парчаланди.

Хулосалар: шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар асосида олинган натижалар кўрсаткичлари «Симверин» таблеткасининг сифатини белгилувчи парчаланиш, синишга ва ишқаланишга нисбатан қаттиқлиги каби кўрсаткичларга пресслаш босими тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади ва бу таблеткаларни sanoat миқёсида ишлаб чиқаришда 100-120 МПа оралиғида пресслаш босими муайян деб топилди ва ушбу таблетка машинасига шу босимини ўрнатиш ва таблетка массасини пресслаш сифатли тайёр маҳсулот олишни таъминлаб бериши муҳим омил эканлиги исботланди.

YEL HAYDOVCHI BIOLOGIK FAOL QO'SHIMCHA TEXNOLOGIYASINI ISHLAB CHIQISH

Jumabayev J.A., Rizayeva N.M.

Toshkent farmatsevtika instituti, Toshkent sh., O'zbekiston Respublikasi
e-mail: javokhirdjumabayev@gmail.com

Dolzarbli: emulsiyalar tabiatda va sanoatda ham bir suyuqlik fazasi (ichki faza) boshqa suyuqlik fazasida (tashqi faza) tarqalgan geterogen dispers tizimlarning juda keng tarqalgan turidir. Emulsiyalar, boshqa dispers tizimlar kabi, turli sohalarda keng qo'llaniladi: oziq-ovqat, kimyo, kosmetika, farmatsevtika. Ular ikkita o'zaro erimaydigan suyuqlik aralashmasini kuchli aralashtirish orqali dispersiya yo'li bilan olinadi. Emulsiya texnologiyasida emulsiya turg'unligini nazorat qilishni va saqlanish muddati davomida turg'unligini ta'minlaydigan texnologik ko'rstakichlarni sifatini bir me'yorda saqlaydigan emulgatorlarni to'g'ri tanlash va ulardan foydalanish muhimdir.

Meteorizm yoki ovqat hazm qilish traktida gazlarning haddan tashqari shakllanishi bizning eramizdan oldin ham kuzatilgan tibbiy va ijtimoiy muammo edi. Haddan tashqari gaz hosil bo'lishi sindromi eng keng tarqalgan bo'lib, yosh chegarasi yo'q, ovqat hazm qilish tizimining funksional va organik kasalliklari bo'lgan bolalar va kattalarning 70% dan ortig'ida kuzatiladi, vaqti-vaqti bilan turli yoshdagi deyarli barcha odamlarda uchraydi.

Tadqiqotning maqsadi: semitikon substansiyasi asosida emulsiya biologik faol qo'shimcha tarkibini tanlash va texnologiyasini ishlab chiqish. Namunalar ishlab chiqish, ularning organoleptik xususiyatlarini o'rganish, tarkibidagi namlik va uchuvchan moddalar miqdorini aniqlash, suvli fazaning Phini belgilash kabi ishlar maqsad qilib olindi.

Usul va uslublar: emulsiya texnologiyasida emulgator turi muhim rol o'ynaydi. Emulgator emulsiya tayyorlash turiga qarab moyda yoki suvda eritish yo'li bilan kiritiladi, so'ngra emulgirlandigan sistemaga kiritiladi.